

**«Кўқонспирт» акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдан ташкари умумий йиғилиши
Б А Ё Н Н О М А С И**

Кўқон шаҳри

2015 йил 27 ноябрь

КАТНАШДИЛАР:

- **Садиров Тухтасин Ғайиббердиевич** - «Ўзспиртсаноат» АК молия-иктисод булими бошлиғи, бош ҳисобчиси. «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси томонидан 2015 йил «28» апрель куни берилган № 01/06-19-сонли ишончномага асосан «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси устав фондига тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилган давлат улуши акцияларини 13 739 227 180 дона ёки Устав фондининг 51 фоизи акциялари буйича овоз бериш масъулияти юклатилган

- **Турдикулов Мухиддин Собирович** – Давлат рақобат кумитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи. «Давлат активларини бошқариш маркази» томонидан 2015 йил «25» ноябрь кундаги № 234-сонли ишончномага асосан «Куконспирт» АЖнинг 12 661 639 900 дона акциялар пакети, ёки 47 фоиз улуши буйича овоз бериш ваколати берилган.

- Жамият акциядорлари.

- Жамият кузатув кенгаши аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзолари, жамият коллегиял ижро органи аъзолари ва таклиф этилган меҳмонлар.

Йиғилиш раиси: Садиров Тухтасин Ғайиббердиевич - «Кўқонспирт» АЖ кузатув кенгаши раиси.

Йиғилиш котиби: Гафурова Наргиза Абдуллаевна - «Кўқонспирт» АЖ санитария лабораторияси лаборанти.

Биринчи бўлиб «Кўқонспирт» АЖ кузатув кенгаши раиси Т.Садиров бугунги умумий йиғилишда рўйхатдан ўтган акциядорлар хақида маълумот беришни сўраб, санок комиссияси раиси М.Пирматовага сўз берди. Ўз навбатида М.Пирматова «Кўқонспирт» акциядорлик жамиятининг жами овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар сони 26 939 660 720 дона эканлиги. ундан 26 426 065 260 дона акция эгалари катнашаётганлиги бу жамият устав жамгармасининг 98,08 фоизини ташкил этганлиги ва амалдаги қонунчиликка асосан умумий йиғилиш қворуми тўпланганлиги, йиғилиш ваколатли эканлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг йиғилишни олиб борувчи Л.Э.Алфайзиев йиғилишни бошлаш мумкинлигини, мажлисни тартибли олиб бориш учун йиғилиш ишчи аппаратини, яъни ишчи президиуми, йиғилиш раисини, котибиятни ва санок комиссиясини сайлаб олиниши зарурлигини айтиб, ишчи президиумга қўйидаги номзодларни таклиф этди:

Йиғилиш Президиуми:

1. Садиров Тўхтасин Ғайиббердиевич - «Ўзспиртсаноат» АК молия-иктисод булими бошлиғи, Кузатув кенгаши раиси;
2. Умаров Абдукарим Сураатович - «Ўзспиртсаноат» АК вакили «Кўқонспирт» АЖ Кузатув кенгаши аъзоси;
3. Турдикулов Мухиддин Собирович – Давлат рақобат кўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.
4. Самигов Хабибулла Абдуллаевич – «Кўқонспирт» АЖ бошқаруви раиси;
5. Хайдарова Матлюба Исраиловна– «Кўқонспирт» АЖ Назорат ва ўлчов ускуналари чилангари.

Йиғилиш раиси этиб кузатув кенгаши раиси Садиров Тўхтасин Ғайиббердиевич номзоди тавсия қилинди ва очик овоз бериш йули билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулохазаларни кайд қилиш ва йиғилиш баёинини олиб бориш учун котибиятга жамиятнинг «Қўқонспирт» АЖ Санитария лабораторияси лаборати Гафурова Наргизахон Абдуллаевна номзоди тавсия қилинди ва очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

«Қўқонспирт» АЖ акциядорлар билан корпоратив алоқалар бўлими бошлиғи Л.Алфайзиев ишчи президиум аъзоларидан ўз ўринларини эгаллашларини сўради ва шундан сўнг йиғилиш кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масаларига ўтиб, кўйидагиларни маълум қилди, яъни «Қўқонспирт» АЖ Кузатув кенгашининг 2015 йил ноябр ойида бўлиб ўтган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш масаласига бағишланган мажлисида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар, олиб бориш регламенти лойихаси ўрганиб чиқилиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши учун тавсия этилган.

Суз давомида Л.Алфайзиев йиғилиш кун тартиби ва уни олиб бориш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди:

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

КУН ТАРТИБИДА:

1. Навбатдан ташқари ўтказиладиган «Қўқонспирт» АЖ Акциядорларининг умумий йиғилиш Регламентини тасдиқлаш.

2. Санок комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.

3. Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари янги таркибини сайлаш.

Учинчи масасала юзасидан маърузачи - «Қўқонспирт» АЖ Кузатув кенгаши аъзоси Умаров Абдукарим Сураатович (5-дакика).

4. Жамият акциядорларининг 2015 йил 13 июндаги умумий йиғилиш қарорининг 20.1 бандини қайта кўриб чиқиш.

Тўртинчи масасала юзасидан маърузачи - «Қўқонспирт» АЖ Ички аудитори Ниязов Баходир Уктамович (5-дакика).

5. Янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш.

Бешинчи масасала юзасидан маърузачи - «Қўқонспирт» АЖ акциядорлар билан корпоратив алоқалар бўлими бошлиғи Алфайзиев Лазиз Эргашалиевич (5-дакика).

Ҳар бир масала бўйича музокараларга сўзга чикувчилар учун 5 дакикадан вақт ажратиб берилди. Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилгандан сўнг Санок комиссияси аъзолари бюллетенларни йиғиб олиши ва овоз бериш натижаларини кўриб чиқиши учун 15 дакика таннафус эълон қилинди.

Кун тартибига киритилган масалалар ва регламентни эшиттиргандан сўнг йиғилиш бошловчиси Акциядорларга мурожаат этиб, йиғилиш регламентини очик овоз бериш йўли билан, яъни кўл кўтариш орқали тасдиқлаб беришларини сўради. Йиғилиш регламента йиғилиш иштирокчилари томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибининг иккинчи масаласига ўтиб, Л.Алфайзиев Санок комиссиясини уч кишидан иборат М.Пирматова, Г.Горячева ва Г.Ахмедовалар аъзолигида тузилганини, айтиб, навбатдан ташқари умумий йиғилиш томонидан тасдиқлашга таклиф киритди.

Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркиби навбатдан ташқари умумий йиғилиш томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Л.Алфайзиев сўзга чиқиб, «Қўқонспирт» АЖ кузатув кенгаши аъзоси Умаров Абдукарим Сураатовични сўзга таклиф этди.

А.Умаров ўз маърузасида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 107-моддасига асосан

жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси (тафтишчи) сайланиши.

Жамият тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланиши. Айтиб ўтиш керакки, бир шахс айтиб ўтилган жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмаслиги. Жамият тафтиш комиссиясининг Қонун ва жамият устави билан белгиланиши. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланганлиги.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизга эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилиши.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузиши ва бу хулосада: жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши, тафтиш комиссияси жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқишини айтиб ўтиб, 2015 йил 13 июндаги «Қўқонспирт» АЖ акциядорларининг 2014 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий ҳисобот йиғилиши қарорига кўра Давлат активларини бошқариш марказининг корхоналар билан корпоратив ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Умаров Сарвар Хайдарович- 99,98 фоиз овоз билан тафтиш комиссияси аъзоси сифатида сайланганлиги тўғрисида ахборот бериб ўтди.

Бугунги кунда Умаров Сарвар Хайдарович бошқа ишга ўтганлиги сабабли унинг ўрнига Давлат активларини бошқариш маркази томонидан таклиф этилган Давлат активларини бошқариш маркази бош мутахассиси Юнусов Матжон Зофиркулович номзоди таклиф этилганлиги тўғрисида ахборот бериб, унга овоз беришларини тавсия этди.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича берилган овозлар натижаси:
Тарафдорлар – 26 426 065 260 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ
Йиғилишда қатнашган 100 % овоз тўплади ва тасдиқланди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича сўз навбати «Қўқонспирт» акциядорлик жамияти ички аудитори Б.Ниязовга берилди.

Маърузаси ўз сўзини қўйидагилар билан бошлади амалдаги қонунчиликка мувофиқ, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йилнинг 11 апрелида № 1121-сон билан рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши ва тўланишини назорат қилиш тартиби тўғрисида Низомга ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2005 йилнинг 27 апрел куни «Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги №1473-сон қарори ва Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга кўра «Комиссия томонидан белгиланган Республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари рўйхатига киритилган

хўжалик жамиятлари, шунингдек соф фойдаси кейинги икки молия йилида (ҳисобот йили ҳам кирари) ўртача 50,0 млн сўм ва ундан юқорини ташкил этган бошқа хўжалик жамиятлари бўйича хўжалик жамиятининг соф фойдасини тақсимлашни келишиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан амалга оширилиши тўғрисида акциядорларга хабар бериб, 2014 йил соф фойдасини тақсимланиши Молия Вазирлигининг 2015 йил 14 майдаги № БЮ/08-01-35-17/391 сонли кўрсатмасига асосан «Қўқонспирт» АЖнинг 2014 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси яъни 9 577 898 704 сўм кўйидагича тақсимланишига кўрсатма берилган:

1. Дивидендлар тўлашга 20 % ёки 1 915 579 741 сўм;
2. *2014 йил якуни бўйича олинган соф фойдадан капитализация қилиш шарти билан Устав фондиди оширишга қолдирилган қисми жамият янги акциялар чиқарилишига 75 %*

Жамият акциядорларининг 2015 йил 13 июндаги умумий йиғилиш қарорига кура жамиятнинг 2014 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси кўйидагича тақсимланган:

- 5 фоизи, яъни 483 231 288 сўм Резерв фондига;
- 20 фоизи, яъни 1 914 133 788 сўм Дивидендларга;
- 75 фоизи, яъни 7 180 533 628 сўм Устав фондиди оширилишга йўналтирилган эди.

Аммо ушбу фойдани тақсимланиши жараёнида қўлланилган яхлитлаш натижасида

- Резерв фонди 4 336 352 сўмга кўпайтириб юборилган;
- Дивидендларга 1 445 952 сўмга камайтириб юборилган;
- Капитализацияга 2 890 400 сўмга камайтириб юборилганлиги тўғрисида акциядорларга ахборот бериб ўтди.

Ушбу тавовутларни бартараф этиш, акциядорларни дивидендлардан ва Устав фондиди улушлардан бўлган ҳақларини тўлиқ таъминлаш мақсадида 2015 йил 13 июнь кунда ўтказилган акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасининг 20.1 бандига кўйидаги узгартиришлар киритиш таклифини киритди:

«Қўқонспирт» АЖнинг 2014 йил якуни бўйича олинган 9 577 898 704 (Тўққиз миллиард беш юз етмиш етти миллион саккиз юз тўқсон саккиз минг етти юз тўрт) сўм фойдаси кўйидагича тақсимлансин:

- Резерв фондига (5 фоизи) - 478 894 935 сўм;
- Дивидендларга (20 фоизи) - 1 915 579 741 сўм;
- Устав фондиди оширилишига капитализация қилиш шарти билан янги акциялар чиқариш ҳисобига (75 фоизи) - 7183 533 628 сўм қилиб узгартирилишини таклиф этди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдорлар – 26 424 839 000 овоз, Қаршилар -1037400 овоз, Бетарафлар — 188860 йиғилишда қатнашган 99,99 фоиз овоз билан тасдиқланди.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича сўз навбатини «Қўқонспирт» АЖ акциядорлар билан корпоратив алоқалар бўлими бошлиғи Л.Алфайзиевга олиб «Қўқонспирт» АЖ Кузатов кенгашининг 2015 йил 31 октябрда бўлиб ўтган йиғилиш қарорини, ундан олдин масала юзасидан сўзга чиққан маърузачининг таклифини, ҳамда янги акциялар чиқарилиши ҳисобини инобатга олиб, 2014 йил якуни бўйича жамиятимиз молиявий-хўжалик фаолиятдан олинган жами 9 577 897 704 (тўққиз миллиард беш юз ўттиз етмиш етти миллион саккиз юз тўқсон етти минг етти юз тўрт сўм) соф фойдани капитализация қилиш шарти билан янги акциялар чиқариш орқали устав фондиди оширишга амалдаги қонунларга асосан, «Қўқонспирт» АЖ Кузатов кенгашига ваколат бериш мумкинлиги ва ҳамма ҳисоб китоблар қилингандан сўнг Кузатов

кенгаши қарори билан жамият Устав фондини оширилиши мумкинлиги тўғрисида йиғилиш қатнашчиларига ахборот бериб, бугунги кунда акциялар майдаланиши ниҳоясига етганлиги сабабли 7 183 424 028 сўми янги акциялар чиқариш учун қарор қабул қилишни жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдорлар – 26 426 065 260 овоз, Қаршилар -йўқ, Бетарафлар — йўқ йиғилишида қатнашган 100 фоиз овоз билан тасдиқланди.

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши овоз бериш натижаларига кўра**

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. «Кўконспирт» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Регламенти тасдиқлансин.
2. Санок комиссияси таркиби ва аъзолари тасдиқлансин.
3. Тафтиш комиссияси аъзоси Умаров Сарвар Хайдарович ўрнига Давлат активларини бошқариш маркази бош мутахасиси Юнусов Матжон Зопиркулович номзоди сайлансин.
4. «Кўконспирт» АЖнинг 2015 йил 13 июндаги умумий йиғилиш қарорининг 20.1 бандининг
 - ❖ 1-хатбоши – «Резерв фондига - (5 %) – **478 894 935 сўм**» сўзларига;
 - ❖ 2-хатбоши – «Дивидендлар тўлашга - (20 %) – **1 915 579 741 сўм**» сўзларига;
 - ❖ 3-хатбоши – «Капитализация қилиш шарти билан янги акциялар чиқариш ҳисобига Устав фондини оширишга - (75%) – **7 183 424 028 сўм**» сўзларига ўзгартирилсин.
5. 2014 йил соф фойдасининг капитализация қилиш шарти билан Устав фондини оширишга қолдирилган қисми, яъни **7 183 424 028 сўм** бўйича жамият янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилиш жамият кузатув кенгаши ваколатига берилсин.

Йиғилиш раиси:

Йиғилиш котиби:



(Handwritten signature of T.G. Sadirov)

(Handwritten signature of N.A. Gafurova)

Т.Г.Садиров

Н.А.Гафурова

Йиғилиш баёни тузилган сана – 2015 йил 04 декабрь